Кўсаков Пейсен —секретарь—Н. Ниёзов номли колхоз аъзоларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдуллаев Абдумутал — Н. Ниёзов номли колхоз аъзоларидан.

Бойсандов Кенжа — Н. Ниёзов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Пўлатова Махпурат — Н. Ниёзов номли колхоз аъзоларидан.

Тожибоева Қурбонбуви — Н. Ниёзов номли колхоз аъзоларидан.

321 — «ПАРТИЯ XXI СЪЕЗДИ» САЙЛОВ ОКРУГИ

Азимов Турсунали — округ сайлов комиссияси раиси —«Партия XXI съезди» колхоз коммунистик ташкилотидан.

Сарибоев Ёқуб — раис ўринбосари — Х. Турсунқулов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Турсунбоев Карим — секретарь — Шўралисой қишлоқ совети ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Аристонбекова Минай — Х. Турсунқулов номли колхоз аъзоларидан.

Бегматова Дилором — Ватан номли 50-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Бегматова Ҳалима — Охунбоев номли 52-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Худойберганова Тулжон — Х. Турсунқулов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

322 — ШЎРАЛИСОЙ САЙЛОВ ОКРУГИ

Мароховский Андрей Филиппович — округ сайлов комиссияси раиси — Шўралисой пахта тайёрлаш пункти касаба союз ташкилотидан.

Бекиров Акки Бекирович—раис ўринбосари — Х. Турсунқулов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Девизорова Эмилия Сергеевна — секретарь—Шўралисой пахта тайёрлаш пункти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Азизова Насиба — Шўралисой қишлоқ совети ходимларидан.

Вострикова Мария Ильинична — «Октябрь» сельпоси ходимларидан.

Зияев Жўрабек — Х. Турсунқулов номли колхоз аъзоларидан.

Камолов Мамат — Х. Турсунқулов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

323 — 4-ГЭС САЙЛОВ ОКРУГИ

Деҳқонов Солижон — округ сайлов комиссияси раиси Х. Турсунқулов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Аҳмантоев Исмоил — раис ўринбосари — Усмон Юсупов номли комбинатнинг 5-бўлими ишчи ва хизматчиларидан.

Черний Анна Васильевна — секретарь — Октябрь ремонт-механика заводи ишчи ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Аҳмадалиева Савриниса — «ЎзССР 40 йиллиги» номли 33-мактаб комсомол ташкилотидан.

Пўлатов Қозиқул—Усмон Юсупов номли комбинатнинг 5-бўлими ишчи ва хизматчиларидан.

Тожибоева Раниса — Ҳ. Турсунқулов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Ҳўжаева Ғания — «ЎзССР 40 йиллиги» номли 33-мактаб ўқитувчиларидан.

324 — КАЛИНИН САЙЛОВ ОКРУГИ

Элтоев Салимбой — округ сайлов комиссияси раиси — Ўрозов номли 97-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Қорабоев Охан — раис ўринбосари — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Қолдибоев Мирзакарим — секретарь — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ашрапова Розия — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Иброҳимов Чегабой — Ўрозов номли 97-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Чиндалиева Умсин — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Эшонова Азиза — Усмон Юсупов номли комбинатнинг 3-бўлим 4-участкаси коммунистик ташкилотидан.

325 — ЭСКИҚОВУНЧИ САЙЛОВ ОКРУГИ

Ҳайдаров Карим — округ сайлов комиссияси раиси —Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Маҳкамов Абдулхай — раис ўринбосари — Эскиқовунчи қишлоқ Совети коммунистик ташкилотидан.

Черних Николай Герасимович — секретарь — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Отабоева Роза — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Громова Татьяна Григорьевна — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Мирубаева Латифа — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Ўсаров Йўлдошбой — «Қовунчи» рабкоопи касаба союз ташкилотидан.

326 — ЖАМБУЛ САЙЛОВ ОКРУГИ

Жўрабеков Тўрабек — округ сайлов комиссияси раиси — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Эргашева Муаззам — раис ўринбосари — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Дзюина Вера Константиновна — секретарь — Жамбул номли 46-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Қосимбеков Илёс — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Мамедов Жахсибай — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Попова Ольга Петровна — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Тургунбоев Абдураим — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

327 — НОВОМИХАЙЛОВСК САЙЛОВ ОКРУГИ

Крапоткина Нина Ивановна — округ сайлов комиссияси раиси,— Новомихайловский жут-каноп заводи коммунистик ташкилотидан.

Тузелбоев Рисбой —раис ўринбосари — «Интернационал» колхози аъзоларидан.

Михайленко Валентина Прокофьевна — секретарь — жут-каноп заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ляпина Мария Карповна — «Текстильщик» совхози касаба союз ташкилотидан.

Турлибеков Избосар — Новомихайловский жут-каноп заводи коммунистик ташкилотидан.

Утегенова Ўғилжон — «Интернационал» колхози аъзоларидан.

Черних Сергей Иванович — «Интернационал» колхози коммунистик ташкилотидан.

328 — САИМЭ САЙЛОВ ОКРУГИ

Абдумуталов Абдуфаёз Йўлдошевич—округ сайлов комиссияси раиси — САИМЭ коммунистик ташкилотидан.

Мартинов Алексей Николаевич —раис ўринбосари—САИМЭ коммунистик ташкилотидан.

Уткина Валентина Ефимовна—секретарь — САИМЭ ишчи ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Авилкина Мария Ивановна — САИМЭ касаба союз ташкилотидан.

Безобразова Надежда Степановна — САИМЭ касаба союз ташкилотидан.

Орлова Мария Васильевна — САИМЭ коммунистик ташкилотидан.

Святний Николай Гаврилович—САИМЭ касаба союз ташкилотидан.

329—АЧЧИҚҚУЛ САЙЛОВ ОКРУГИ

Саъдуллаев Раҳматулла — округ сайлов комиссияси раиси — Жамбул номли қўйчилик совхози коммунистик ташкилотидан.

Лесина Раиса Николаевна— раис ўринбосари — Биковский номли 84-мактаб ўқитувчиларидан.

Холматова Шаҳри — секретарь — Киров номли колхоз- коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Асанова Зебура — «Ташкенткабель» заводининг Пахта филиали ишчи-хизматчиларидан.

Ашуров Раҳмонқул — Киров номли колхоз аъзоларидан.

Камолбоев Шовкат — Биковский номли 84-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Муйтенов Жандар — Киров номли колхоз аъзоларидан.

330 — «ОКТЯБРЬ XX ЙИЛЛИГИ» САЙЛОВ ОКРУГИ

Юсупов Абдураҳмон — округ сайлов комиссияси раиси — Киров номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Абдуллаева Сотқин — раис ўринбосари — Чкалов номли 92-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Ахмедшаев Мели — секретарь — Киров номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Каримова Сора — Киров номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Қаҳҳоров Махсум— Киров номли колхоз аъзоларидан.

Пармонова Гуласал — Киров номли колхоз аъзоларидан.

Ўрисбеков Равшан — Киров номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

331-ЭСКИ ТОШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ

Далибоев Ғанибой —округ сайлов комиссияси раиси — Эски Тошкент қишлоқ совети коммунистик ташкилотидан.

Лесина Раиса Николаевна— раис ўринбосари — Биковский номли 84-мактаб ўқитувчиларидан.

Холматова Шаҳри — секретарь — Киров номли колхоз- коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Асанова Зебура — «Ташкенткабель» заводининг Пахта филиали ишчи-хизматчиларидан.

Ашуров Раҳмонқул — Киров номли колхоз аъзоларидан.

Камолбоев Шовкат — Биковский номли 84-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Муйтенов Жандар — Киров номли колхоз аъзоларидан.

332 — МОСКВА САЙЛОВ ОКРУГИ

Жўраев Чинғўлат — округ сайлов комиссияси раиси—«Москва» колхози коммунистик ташкилотидан.

Рустамов Тўлаган—раис ўринбосари — Зоя Космодемьянская номли 93-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Утегенова Ўғилжон — «Интернационал» колхози аъзоларидан.

Черних Сергей Иванович — «Интернационал» колхози коммунистик ташкилотидан.

328 — САИМЭ САЙЛОВ ОКРУГИ

Абдумуталов Абдуфаёз Йўлдошевич—округ сайлов комиссияси раиси — САИМЭ коммунистик ташкилотидан.

Мартинов Алексей Николаевич —раис ўринбосари—САИМЭ коммунистик ташкилотидан.

333 — ТЕЛЬМАН САЙЛОВ ОКРУГИ

Эрназаров Юрсун — округ сайлов комиссияси раиси — «Ленинград» колхози коммунистик ташкилотидан.

Жуманова Гуланда — раис ўринбосари — «Ленинград» колхози коммунистик ташкилотидан.

Мамбетова Назира — секретарь — Ленин қишлоқ совети ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ойхўжаев Саден — Энгельс номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Қурбонбоев Убайдулла —Тельман пахта тайёрлаш пункти ишчи-хизматчиларидан.

Кўчқоров Раҳмат — «Ленинград» колхози аъзоларидан.

Тургунова Холбуви — С. Раҳимов номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

334 — ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ

Каримов Қосим Каримович — округ сайлов комиссияси раиси — 4-мактаб-интернат коммунистик ташкилотидан.

Мехралиев Анвар — раис ўринбосари — «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоларидан.

Шевченко Маргарита Александровна — секретарь — «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Гриднева Валентина Дмитревна — 4-мактаб-интернат ўқитувчиларидан.

Пирина Валентина Ивановна — «Олмазор» боғдорчилик совхозининг 2-бўлими ишчи-хизматчиларидан.

Серебряков Василий Степанович — «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоларидан.

Турғунбоев Кўчқор — Фузулий номли 67-мактаб касаба союз ташкилотидан.

335 — ОЛМАЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ

Тоғаев Исмат Раҳматуллаевич — округ сайлов комиссияси раиси — «Олмазор» рабкоопи коммунистик ташкилотидан.

Юсупова Азиза — раис ўринбосари — «Олмазор» рабкоопи касаба союз ташкилотидан.

Мухторов Шовкат — секретарь — профтехника билим юрти ўқитувчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Аҳмедов Назрулла — «Олмазор» рабкоопи ишчи-хизматчиларидан.

Богомолов Виктор Павлович — Октябрь районлараро савдо базаси коммунистик ташкилотидан.

Гизатулина Зулфия — 1-НОД ОРСининг коммунистик ташкилотидан.

Писецкая Лидия Васильевна — Чернишевский номли 65-мактаб ўқитувчиларидан.

336 — ТЕМИРЙЎЛ САЙЛОВ ОКРУГИ

Раҳимов Турсунбой — округ сайлов комиссияси раиси — «Олмазор» рабкоопи коммунистик ташкилотидан.

Гусейнов Собир — раис ўринбосари — «Олмазор» рабкоопи коммунистик ташкилотидан.

Иванов Евгений Александрович — секретарь — 4-мактаб-интернат коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Барибина Евдокия Николаевна — «Олмазор» поселка совети касаба союз ташкилотидан.

Деревянкин Михаил Васильевич — «Олмазор» поселка совети ходимларидан.

Зикрия Шавие Мустафаевна — 1-НОД ОРСнга қарашли магазин ишчи-хизматчиларидан.

Радецкая Галина Васильевна — «Олмазор» посёлка Совети ходимларидан.

337 — ТЕХНИКУМ САЙЛОВ ОКРУГИ

Усмонов Умар Аҳмедович — округ сайлов комиссияси раиси—«Чиноз» наслчилик совхози техникуми коммунистик ташкилотидан.

Муродов Карим — раис ўринбосари — «Олмазор» посёлка Совети Коммунистик ташкилотидан.

Варнакова Мария Дементьевна — секретарь — «Чиноз» наслчилик совхози-техникуми касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Жалилова Фотима — Менделеев номли 75-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Исмоилов Ҳамид — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коммунистик ташкилотидан.

Мирзакаримов Неъмат — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ишчи-хизматчилардан.

Ҳакимов Сойибжон — «Олмазор» рабкоопи ишчи-хизматчиларидан.

338 — НАСЛЧИЛИК СОВХОЗИ САЙЛОВ ОКРУГИ

Горюнов Николай Алексеевич—округ сайлов комиссияси раиси—«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коммунистик ташкилотидан.

Носиров Усмон Носирович — раис ўринбосари — 3-ферма медицина ходимларидан.

Чернашева Анна Яковлевна — секретарь — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг 3-фермаси ишчи-хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Курашинов Назир — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ишчи-хизматчиларидан.

Петров Данил Осипович—«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коммунистик ташкилотидан.

Шевченко Маргарита Александровна — секретарь — «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Барибина Евдокия Николаевна — «Олмазор» поселка совети касаба союз ташкилотидан.

Деревянкин Михаил Васильевич — «Олмазор» поселка совети ходимларидан.

Зикрия Шавие Мустафаевна — 1-НОД ОРСнга қарашли магазин ишчи-хизматчиларидан.

Радецкая Галина Васильевна — «Олмазор» посёлка Совети ходимларидан.

337 — ТЕХНИКУМ САЙЛОВ ОКРУГИ

Усмонов Умар Аҳмедович — округ сайлов комиссияси раиси—«Чиноз» наслчилик совхози техникуми коммунистик ташкилотидан.

Муродов Карим — раис ўринбосари — «Олмазор» посёлка Совети Коммунистик ташкилотидан.

Варнакова Мария Дементьевна — секретарь — «Чиноз» наслчилик совхози-техникуми касаба союз ташкилотидан.

Михайлова Екатерина Ивановна — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ишчи ва хизматчиларидан.

Ризаева Тожихон — «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коммунистик ташкилотдан.

339 — ЯЛЛАМА САЙЛОВ ОКРУГИ

Эргашев Ҳасан — округ сайлов комиссияси раиси — Охунбобоев номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Раимова Турсуной — раис ўринбосари — Охунбобоев номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Умаралиев Усмонали — секретарь — Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдуҳакимова Ҳури — Охунбобоев номли 63-мактаб ўқитувчиларидан.

Мирзажонова Лола — Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

Раҳмонқулов Алимқул —Охунбобоев номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Эшмуҳамедов Қорабой — Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

340 — ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ОКРУГИ

Миралиев Сартой — округ сайлов комиссиясининг раиси — «ЎзССР 30 йиллиги» колхози коммунистик ташкилотидан.

Ғофурова Мингжамол — раис ўринбосари — Омангелди номли 64—мактаб ўқитувчиларидан.

Умарова Жупарай — секретарь — «ЎзССР 30 йиллиги» колхози коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ойбўтаев Унгалбек — «ЎзССР 30 йиллиги» колхози коммунистик ташкилотидан.

Китопова Нагима — «ЎзССР 30 йиллиги» колхози аъзоларидан.

Наврўзбоев Қолман — «ЎзССР 30 йиллиги» колхози коммунистик ташкилотидан.

Сифершаев Фикрат — «ЎзССР 30 йиллиги» колхози коммунистик ташкилотидан.

341—КАРЛ МАРКС САЙЛОВ ОКРУГИ

Бобоева Адолат — округ сайлов комиссиясининг раиси—Карл Маркс номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Мирзаев Мамасоли — раис ўринбосари — Карл Маркс номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Тейфукова Роза—секретарь—Чиноз қишлоқ совети ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Охунжонов Рўзибой — Карл Маркс номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Иномова Ойниса — Карл Маркс номли колхоз комсомол ташкилотидан.

Раимқулов Эргаш — Карл Маркс номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Сангилова Шапоат — Карл Маркс номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

342—ИУЛТУШГАН САЙЛОВ ОКРУГИ

Турдибоев Тўхтабой — округ сайлов комиссиясининг раиси — «Қизил Октябрь» колхози коммунистик ташкилотидан.

Ариқулова Фарида — раис ўринбосари — «Қизил Октябрь» колхози коммунистик ташкилотидан.

Эгамбердиева Мухтарам — секретарь — «Қизил Октябрь» колхози аъзоларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Жамилова Шарофат — Бобир номли 69-мактаб ўқитувчиларидан.

Исоқов Бўри — «Қизил Октябрь» колхози комсомол ташкилотидан.

Муротов Раҳим — «Қизил Октябрь» колхози коммунистик ташкилотидан.

Нуриддинова Нари — «Қизил Октябрь» колхози коммунистик ташкилотидан.

343—ЧИНОЗ САЙЛОВ ОКРУГИ

Саматов Маннон — округ сайлов комиссиясининг раиси—район марказий касалхонаси коммунистик ташкилотидан.

Шегай Александра Яковлевна—раис ўринбосари — «Правда» номли 62-мактаб ўқитувчиларидан.

Зинина Зоя Николаевна — секретарь—Чиноз пахта тозалаш заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Аҳмедбеков Ёқуббек — Чиноз посёлка совети коммунистик ташкилотидан.

Маллабоева София — Чиноз пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчиларидан.

Муковнин Илларион Захарович — Чиноз нефть базаси ходимларидан.

Салиев Шевкет — Янгийўл район коммунал хўжалиги касаба союз ташкилотидан.

344—ЗАВОД САЙЛОВ ОКРУГИ

Қодиров Баҳром — округ сайлов комиссиясининг раиси — «Партия XXII съезди» номли 61-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Удалов Виталий Иванович — раис ўринбосари — Чиноз пахта тозалаш заводи коммунистик ташкилотидан.

Ольшанская Зинаида Ивановна — секретарь — Чиноз посёлка совети ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Дударев Николай Николаевич—«Узсельхозтехника» Чиноз бўлими касаба союз ташкилотидан.

Ленченко Лидия Ивановна — «Партия XXII съезди» номли 61-мактаб ўқитувчиларидан.

Салимянов Маҳмуд—Чиноз пахта тозалаш заводи коммунистик ташкилотидан.

Тян Тамара — «Узсельхозтехника» Чиноз бўлими коммунистик ташкилотидан.

345-ЯНГИ ЧИНОЗ САЙЛОВ ОКРУГИ

Цикалов Иван Пантелеевич — округ сайлов комиссиясининг раиси — Добролюбов номли 66-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Заварзина Федосья Васильевна — раис ўринбосари — 17-автотранспорт колоннаси коммунистик ташкилотидан.

Котова Лидия Николаевна — секретарь — Чиноз посёлка совети ижроия комитети ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Андреев Василий Карпович — 3-прораблик коммунистик ташкилотидан.

Долганов Евгений Михайлович—Чиноз қум ва шағал карьери касаба союз ташкилотидан.

Дударенко Таисия Васильевна — 2-машина-экскаватор станцияси ишчи ва хизматчиларидан.

Пропп Карл Андреевич — Чиноз қум ва шағал карьери касаба союз ташкилотидан.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
Э. ШАЙХОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
М. ЭГАМБЕРДИЕВ.

кино

МУРОСАСИЗ ЎЙИН

Ноёб, митти археологик топилмалар жойлаштирилган кичкина қутича стол устида турипти. Стол атрофини давлат хавфсизлиги органининг ходимлари ўраб олишган. Қутича момақалдироқли тунда давлат чегарасидан ўтган ва ўзини археолог деб танитган бир хорижининг ёнидан топилган. Хорижий археолог Совет чегараси яқинида осор отиқа қазилмалари ишлари олиб борилаётганини ва ўзини бу қазилма ишларини бошқараётган машҳур археолог олим Бернарднинг асистенти эканлигини, лагерга қайта туриб, ўрмонда адашиб қолганлигини айтади. Унинг гапи тўғрига ўхшаб кўринади.

Лекин бошқа бир нарса совет чекистларини шубҳага солади, чегарачилар ўрмонга ташланган рацияни топиб оладилар, шу билан бирга аллақандай сирли белгилар қўйилган луғат, ғалати археологик топилмалар ҳам совет посбонларини ўйлантириб қўяди.

Фильм авторлари — постановкачи-режиссёр Юрий Кавтарадзе, кинодраматург Леван Алексидзе, Константин Исаевлар билан бирга фильм сценариясини яратиб, оператор Дудар Маргиев ҳамда бош рассом Дмитрий Такаишвилининг ижодий ҳамкорликларида совет чекистларининг мураккаб ишларини ишонарли ва ёрқин бўёқларда беришга кўп куч сарфлаганликлари кўриниб турипти.

Хорижий археолог — чақирилмаган меҳмон ўзини гўлликка солиб, чекистларни чалғитишга ва ўз қора ниятларини амалга оширишга кўп уриниб кўради. Ҳатто, «менга ишонмасанглар, чегара яқинида иш олиб бораётганлар археология экспедициясидан сўраб билинглар» дейди. Лекин чегара яқинидаги археологик экспедиция билан бирга душман разведкачилари тўдаси иш кўраётганлиги гумондан холи эмас эди. Шунинг учун калаванинг учини топиш совет контрразведкачиларининг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Совет чекистларининг раҳбари полковник (бу ролни Грузия ССР халқ артисти Григол Ткабладзе зўр маҳорат билан ижро этган) хорижий археолог ёнидан топилган археологик буюмларни синчиклаб ўрганади. Полковник ўз ихтиёридаги бошқа чекистларни ҳам ўша археологик топилмаларни аниқлашга сафарбар этади. Археологик топилмалар фотоси туширилган чет давлат журнали, шунингдек турли эсдалик ва бошқа чет эл маданий буюмлари сотиладиган дўкон ходимларининг иши чекистлар эътиборини ўзига тортади.

Совет контрразведкасининг ходимлари — чекист майор (артист Гиули Чохонелидзе), капитан (артист Имеда Кахиани), лейтенант (артист Тенгиз Даушвили) ва бошқалар археологик топилмаларни осоротиқа мутахассислари ва топилмалар сотиладиган дўконлар орқали аниқлашга киришадилар. Фильм авторлари мавҳум ва ноаниқ издан йўл олиб, хавфли душман кирдикорларини фош этишга отланган совет чекистларининг баҳодирлигини ва зийракликларини талқин этишга асосий эътиборни қаратганлар.

Артист Гиули Чохонелидзе совет чекисти образини яратган. Майор душман ниятини фош этиш учун улар қиёфасига кириб олиб иш тутиш лозимлиги ҳақида кўрсатма олади. У, археологик топилмани қўлига олиб, чет эл кемалари тўхтайдиган денгиз яқинидаги турли эсдалик буюмлар сотиладиган дўконга боради ва чет эл агентурасига сотилган дўкон мудири билан алоқа боғлайди. Артист Чохонелидзе ўзига топширилган вазифани—совет контрразведкасининг майори ролини жасоратли ва зийрак киши сифатида кўрсата олган. У ижро этган совет чекисти ролида ўз вазифасига жон-дили билан берилган, ҳар қандай шароитда ҳам она-Ватан учун зарур бўлган топшириқни бажаришга қодир бўлган ажойиб совет посбонининг қиёфасини кўрамиз.

Фильмда совет контрразведкасининг капитани ролини ижро этган Имеда Кахиани ва лейтенант ролида кўринган Тенгиз Даушвилилар ҳам ўзларига топширилган ролларини муваффақиятли ижро этганлар. Уларни гоҳ душман разведкачилари билан юзма-юз келган эпизодларда, гоҳ совет контрразведкачилари штабида аҳволни аниқлаб, янги режа тузиб ўтирган пайтда, гоҳ турли кайфиятдаги кишилар орасида кўрамиз. Бу икки артист икки совет разведкачисининг мураккаб ишини тўлақонли ва ҳаяжонли акс эттиришга кўп куч сарфлаганликлари фильмнинг ҳар бир кадридан очиқ-равшан кўриниб турипти.

Фильмда чет эл разведкачиларининг қиёфаси ҳам тўла-тўкис кўрсатилган. Совет чегараси яқинида «иш» олиб бораётган чет эл агентураси штабидаги бесарамжонлик, ташвиш ва парокандалик ва бу газандалар уясидан янги-янги заҳарли кушандаларни бизнинг Ватанимизга юборилаётганлиги эпизодларни ишонарли детальларда кўрсатилган. Душман разведкачиси «Дельфин» ролини артист Роберт Лигерс эсда қоладиган деталлар орқали кўрсата олган. Душман разведкачисининг юриш-туриши, разиллиги ва маккорлиги талантли артист ижросида киши кўз олдида яққол кўринади.

Фильм авторлари воқеа деталларини ва персонажлар ҳаракатларини ишонарли бўлишига катта эътибор берганлар. Дарҳақиқат мураккаб шароитда иш тутиб, душман кирдикорларини фош этиш учун бутун куч ва маҳоратини сарф этаётган совет чекистлари ишини киноленталарда кўрсатиш осон иш эмас, албатта.

Фильмни томоша қилар экансиз, совет чегаралари хавфсизлигини, совет кишиларининг тинч ҳаётини аўр ҳушёрлик билан қўриқлаб келаётган совет чекистларининг олижаноб ишлари билан танишасиз, уларга тасанно дейсиз.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Янги шеърлар

ҚАТРАЛАР

Қатралар!
Биз севган улкан ҳаётнинг
Бир бутун мазмуни сизда
мужассам.

Уфқсиз
Сарҳадсиз шул коинотнинг —
Ипидан-игнаси сизда эрур жам.
Қатралар!
Тонг маҳал гул япроғида.
Мавжланар бир ёғду ичра
қалтираб.
Ҳижронда термулган,
Ер ёноғидан —
Тўнилар гўёки симобдай титраб.
Қатралар!
Харсанг тош бағридан сизиб,
Чўпон ташналигин қондирар ҳар
дам.
Мен ҳам ўлтирмасдим таърифин
ёзиб,
Ундан яралмаса шеърий ижод ҳам
Қатралар!
Ҳеч қачон этмасак инкор,
Табиатнинг сўнгсиз улуғлигини.
Мен асло тасаввур қилмайман,
Зинҳор,
Ҳаётнинг қатраларсиз
тўлиқлигини!
Қатралар!

Бирлашиб, сенн соғ-омон,
Аршн аълогача кўтарди, дўстим.
Буюкликда —
Гарчи эрурсан осмон,
Ленин қатраларни унутма бир
зум!

Душан ФАИЗИЙ.

ПИЁЛА

Фурқат ғазалидай нозик
жаранглар
Жонон чертиб турган жонон пиёла.
Одам ақлин олиб яшнар чаманлар,
Чамандай очилар одам ҳаёли.
Тутганинг шаробми, гулобми,
жонон,
Ёки эритилган тилла табассум?
Пиёла гирдидан айланар осмон,
Ёки айланармн менинг бу бошим?
Фурқат ғазалидай нозик жаранглар
Жонон чертиб турган жонон пиёла.
Кўз ўнгимда гилос гуллаган
тонглар,
Сув ёқалаб бир қиз келар пиёда.
Жонон пиёлангни чертавер,
жонон,
Ҳисларимни суғор, майли,
кўнсимдан,
Тошбағирлар каби сўрамассан жон,
Сўрасанг битта жон азизми сендан?

КУЗГИ ҚУЛУПНАЙ

Бозорда
бир четда кузги қулупнай,
саватга уйилиб
ялтираб турар,
эгасининг эса оғзи қулфдай,
молини мақтамас,
жим қараб турар.
Қулупнайга биров
боқмас қайрилиб,
нўнгил учун сўраб кўрмас
баҳосин,
Биров
анор ейди эсдан айрилиб,
биров қовун сўйгач ушлар
ёқасин,
Қизиқ,
баҳордаку қулупнай деса
севинч пайдо бўлар эди одамда.
Гуноҳмикин
кузда қулупнай еса?
йўқ, йўқ,
Одамларда айб йўқ чамамда...
Охири
ҳаёлим бир ерда тўхтар:
Кузги қулупнайнинг маъюс
қисмати
ўз вақтида
Ҳуснин,
қадри-қимматин
Кўрсата олмаган ёшликка ўхшар.

Юсуф ШОМАНСУР.

„СПАРТАК“ БАЛЕТИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ



Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта опера ва балет театри репертуари яна бир саҳна асари билан бойинди. Бу СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати композитор Арам Хачатурянинг «Спартак» балетидир.

Бу жозибали саҳна асарининг премьераси бўлиб ўтди. Балетга СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Мухтор Ашрафий дирижерлик қилди. Асар ёш балетмейстер Иброҳим Юсупов томонидан қўйилган.

«Спартак» балети композитор Арам Хачатурянинг машҳур асарларидан биридир. Балетда халқ қаҳрамони Спартак образи жозибали музика тилида тўлақонли очиб берилган. «Спартак» балетининг премьерасида композитор А. Хачатурян ҳам иштирок этди. Спектакль катта қизиқиш билан томоша қилинди.

Суратларда: 1. балетнинг биринчи саҳнасидан кўриниш. 2. Эгина ролида СССР халқ артисткаси Галия Измайлова.

В. ЛЕИЗЕРОВИЧ фотолари.
(ЎзТАГ)

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Физкультура билан шуғулланинг**, 11.20 — **Мультфильм** (болалар учун), 11.40 — **Гаврик, Петя ва унинг автори** ҳақида (болалар учун), 12.20 — **Мультфильм** (болалар учун), 12.30 — **Ешлар учун** (эшиттириш).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Мультфильмлар** (болалар учун), 13.20— **Сирли халат** (бадиий фильм), 14.35 — **Дорбоз қўшиқлари** (телефильм).

Қозоқ тилида: 15.00 — Суханбердин. **Ойгул** (Сариоғоч бадиий ҳаваскорлар коллективининг спектакли).

16.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 17.00 — **Пионер прожектори**, 17.30 — **Телевизион янгиликлар**, 17.45 — **Юбилей йилидаги сайловлар.**

Рус тилида: 17.55— **Телевизион янгиликлар**, 18.10 — **Далалар узра янграр қўшиқлар** (санъат ҳаваскорлари фестивали), 19.10 — **Ота ва бола** (ҳужжатли фильм), 19.30 — **Фильм-концерт.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Эшиттиришлар программаси**, 20.50— **Телевизион миниатюралар** («Ешлик» радиостанцияси), 21.30— **Ўзбекистон чорвадорлари** (чорвадорлар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — **Шу кунниинг поэзияси** (мактаб ўқувчилари учун ўқув программа) ва **Ёш математиклар республика олимпиадаси олдидан**, 13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 5/II да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Спартак.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/II да кундуз **Оқ кабутар**, кечқурун **Уғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да кундуз **Ешлинда берган кўнгил**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор**, 6/II да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

Дзюдо доҳийси (1 ва 2-серия)— «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40 минут ва 9 яримда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 2 ва 5 да).

Дурангсиз ўйин — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 9-15 минутда).

Хўжа Насриддиннинг 12 қабри — «МИР» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40, кундуз 1 ярим, 3-20 минут ва 5 да), «СПУТНИК» (эрталаб 11 да).

«Шантеклэр» маликаси — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Бриллиантхўр — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 яримда).



Тошкент санъат саройининг ишчан ходими Нурия Мақсумова киноленталарнинг моҳир монтажчиси сифатида танилди. У қариб йигирма йилдан бери шу касбда ишлаб келяпти. Бу орада унинг қўлидан ўзда кўп кинофильмлар лентлари монтаж қилинди. Жонкуяр аёлнинг камтарин меҳнати бир неча бор муносиб тақдирланди. Суратда: ўрток Н. Мақсумова иш устида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ТУНДАГИ НОЛА

ТАТЬЯНА Живоженко милиция машинасига тихирлик билан чиқади. У йўл-йўлакай алланималар дея ғудраниб боради. Сўроқ вақтида аввалига рўйхушлик бермайди. У билан гаплашишдан олдин жаноҳалкаш Анатолий Весенин ва унинг хотини Раиса Весенинадарлан анча-мунча нарсалар билиб олингани Татьянани саволга тутишда қўл келди. У кутмаган ва ҳаёлига ҳам келмаган саволлар кетма-кет бериб турилгани сабабли жавоб қайтаришга мажбур бўлади.

— Содиқ Холметов сизга ким бўлади?

—Куёвим, қизим Нинанинг эри.

— Жекселен Айменовни танийсизми?

—...

Ҳозиргина кўзларини чақчайтириб, «менинг бошимни айлантириб бўпсанлар» дегандек тергочилар олдида ўзини дадил ҳис қилиб ўтирган Татьянанинг боши эгилиб, ўзини йўқотиб қўйди. Шундан кейин у кўз ёши тўкиб, ёлборишга ўтди. Қиёфасини бирданига ўзгартира олиш устаси фаранг товламачининг қўлидангина келишини яхши билган оператив ходимлар Татьянанинг қалмоққа илинганига қаноат ҳосил қилдилар.

—Шундай қилиб, Жекселен Айменовнинг кимлигини билмайсиз...

—Журканими... Э, эсим қурсин Жекселенними? Нега танимас эканман, у куёвим, йўғе, қамоқдаги куёвим Содиқнинг ўртоғи...

—Ҳозир қаерда у?

—Билмайман, у бизникига фақат тунда келади.

Кеч кириб келмоқда эди. Татьяна билан савол-жавоб шу ерда тўхтатилиб, Журка — Жекселенни «муносиб қутиб олиш»га одам юборилди. Бундан Татьянанинг қизи Нина ҳам бехабар эди. Вақт ярим кечадан оққанда Татьяна Живоженконинг уйига бир одам яқинлашиб келаверди. У атрофни олазарак кузатиб борарди. Эшикка яқинлашганда бир нимага қоқилиб муккасидан йиқилаёзди. Ўзини ўнгламоқчи бўлганда, қўлтиғидан икки одам ушлаб, турғизиб қўйди. Журка—Жекселеннинг оёқ-қўли бўшашиб, тили айланмай қолди.

Уни шу заҳоти бўлинмага олиб келишди.

—Весенинлар уйи ёнида ёндирилган машинадан хабарингиз борми?

—Қанақа машина, менга туҳмат қиляпсизлар...

—Турмадан келганингизга қанча вақт бўлди?

—Хўш, мени паспорти йўқ деб ўйлаяпсизларми, мана паспортим...

У паспортини кўрсатиб яна чўнтагига солиб қўяётган эди, қўлидан олиб қўйилди Маълум бўлишича Журка—Жекселен турмадан чиққандан кейин ҳам меҳнат қилишга бўйни ёр бермаган, қатор жиноий ишларни амалга ошириб юрган. У турмада Татьянанинг қўёви Содиқ Холметов билан танишади ва «дўстлашади». Содиқ Жекселен бўшатилаётганда унга ўй адресини беради ва хотини Нинага, қайнонаси Татьянага салом топширишни илтимос қилади. Журка—Жекселен «дўсти»нинг саломномасини ўз вақтида етказади. Уни Живоженколар хурсандчилик билан кутиб оладилар. Нина эса эрининг «қадрдон дўсти» Жекселеннинг ҳурмат-иззатини ўрнига келтиради, яъни у билан ғайри-қонуний яшашга рози бўлади.

Жекселен Живоженколар уйига келиб-кетиб юрганда, шу ҳовлида ижарага турувчи Весенин билан танишади. Весенин, хотини, Жекселен ва унинг «хотини» Нина, онаси Татьяналар ҳар куни ичкилик ичиб, ўйин-кулги қилишади. Уларнинг улфатчилигига «Славка» лақабли йигит ҳам келиб турадиган бўлади.

Жекселен Айменовнинг ҳужжатлари шубҳали бўлгани сабабли иши юқори органларга маълум қилинди. Аниқланишича, Айменов бир қанча жиноятлар қилиб қўлга тушмай юрган ва қидирувда экан. Шундан кейин хавфли жиноятчи Айменов ҳибсга олинади.

Ота-оналари билан гаплашганимизда уларнинг икковлари ҳам:

—Биз бу бола деб не-не азобларни чекмадик,—деб зорланишади,—фарзандимиз дейишга ҳам оғзимиз бормайди. Бир марта машина ўғирлади, испотига чидолмай Тошкентдан кўчиб кетдик. Турмадан қутилиб келгандан кейин бир қанча вақт дуруст юрди. Орадан кўп ўтмай яна қилиқ чиқарди. Уришдик, насиҳат қилдик, қаттиқ гапирдик, без бўлиб турaверади.

Ота-она ўғилларини тўғри йўлга солиб юборишу учун кўп уринишади. Эпақага келавермагач, Тошкент шаҳар ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасига бориб «ўғлимизнинг оёқ олиши ҳунукроқ, бир чақириб ҳушига келтириб қўйсаларингиз» деб ариза билан бир неча марта мурожаат қилишади. Шикоят эшитилади, ачинишу билдирилади, бироқ, «ҳозирча бирор жиноят қилмабди, қани бирор ҳодиса юз бераверсинчи, жазосини кўрар» деб ғалати жавоб қайтаришади.

Мана, ўша «кутилган» бирор ҳодиса юз берди. Агар ота-она шикояти эътиборга олиниб, ўғлининг таноби ўз вақтида тортиб қўйилганда, балки шунақа ҳунук воқеа юз бермаган бўлармиди.

Жиноятчиларнинг ҳаммаси ҳозир қамоқда. Бир марта машина ўғирлаб қўлга тушган, аммо тавбасига таянмаган Обривков, ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермай қочиб юрган Айменов (Жекселен — Журка), ана шу жиноятчиларга кўмаклашган Весенин, енгил табиат уч аёл қилмиш-қидирмиш, деганлардек кўпчилик ўртасида шармандайи-шармисор бўлдилар. «Чойчақа» ишлашга муккасидан кетган такси шофери Ильёсов Борис Аббосович рухсат этилмаган жойга бориб ўлиб кетишига сал қолди...

Такси машинасини ўғирлаганларида жиноятчилар шофернинг бешўн сўм пули-ю, унинг кийим-бошн учун ўғирламаганлар, албатта. Мақсад шу таксида юриб каттароқ «иш» қилинмоқчи бўлган. Весенин уйида хаяллаб қолган вақтда, фавқулодда келиб қолган оператив группа ходимларини кўрган жиноятчилар ўчириб қўйилган машинани юргизишга улгуролмайдилар-да, «из қолдиришдан» чўчиб уни ёндириб юборадилар, ўзлари ғойиб бўладилар.

Оператив группа ходимлари — Ўрта Чирчиқ район ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бўлимининг бошлиғи майор С. Одилов, область ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг старший оператив ходими подполковник М. Ибодов, оператив ходимлар лейтенант А. С. Шин, младший лейтенант Н. Ҳайитбоев, старший лейтенант Қ. Шаропов, младший лейтенант Г. Трафименко ўртоқлар ўз вақтида тадбирий-чора кўрганликлари, ишни пухта план асосида олиб борганликлари учун хавфли жиноятчилар қўлга туширилди.

Ўз меҳнат вазифасини аъло даражада бажарган бу оператив ходимларга ҳамма ташаккур айтмоқда.

С. МАҲКАМОВ,
М. ИБРОҲИМОВ.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

Оператив ходимларнинг олдида Славкани топиш вазифаси турарди. Унинг қаерда яшашини Татьяна ҳам, Весенинлар ҳам, Нина ҳам айтиб беришмади. Лекин Татьяна сўроқ вақтида «уни Виктор Куликов деган ўсмир бола биладн» деб айтиб қолди.

—Викторни қаердан топсак бўлади?

—Викторними, йўқ, мен уни билмайман,—ўзи истамаганда сирни очиб қўйгани учун Татьяна лабларини тишлаб, ғижиниб қўйди. Аммо барибир унинг қаерда яшашлигини айтишга мажбур бўлди.

Виктор Куликов зудлик билан олиб келинди. Ундан Славканинг қаерда яшашлигини сўралганда дарров айтиб бера қолди ва «олиб бориб кўрсатайми» деб қўшиб ҳам қўйди.

Тергов вақтида Весенинлар ҳам, Живоженколар ҳам Славканинг аниқ исм-фамилиясини айтишмади. Бири Славка лақаби деса, бошқа бири ҳақиқий исми дейди. Фамилиясини баъзан Обрифков дейишса, баъзан Обрисаков бўлса керак, деб кишини шубҳага соладиган гапларни айтишарди.

Виктор Куликовнинг топилганлиги, унинг Славканинг уйини билиши мушкулни бирмунча осонлаштирарди. Виктор Славканинг уйига олиб боришга розилигини билдиргандa «унинг яна битта шериги бор, иккалалари ҳам қуролланганлар», деб оператив ходимларни огоҳлантириб қўйди.

Славканинг адреси аниқланган куни эртасига кечаси уни қўлга олиш планлаштирилди. Оператив группага Тошкент область ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг старший оператив ходими, подполковник Мансур Ибодов бошлиқ қилиб тайинланди. Ўрта Чирчиқ район ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бўлимининг ходимлари А. С. Шин, Н. Ҳайитбоев, Қ. Шаропов, Г. Трафименколардан иборат оператив группа тузилди.

Қишнинг юзларни тимдаловчи изғиринли оқшоми. Ҳаммаёқ сокин. Ўхтин-ўхтин аллақаердан машина гувири эшитилиб қолади. Виктор чироғ ёруғида узун соясини кўрсатиб ўзини панага, қоронғиликка олади. Орқама-орқа келаётган кишиларнинг бир группаси ўнг томонга, иккинчиси сўл томонга бурилишади. Виктор зинадан юқорига кўтарилади. Шу пайт Тошкентнинг Жуковский кўчасидаги 74-уйнинг 18-квартирасига оператив группа ходимлари томонидан ўраб турилади. Виктор кўнғироқ тугмасини босади. Ичкаридан аёл кишининг, кейин эркакнинг «ким» деган овози эшитилади.

—Мен, Викторман,—жавоб берилади.

Эшикни уйқулик кўзларини уқалаб турган ҳолда Славка очади. У «бемаҳалда нима қилиб юрибсан» дейишини билади, «хавотир олманг, у биз билан келди» деган нотаниш овоз эшитилади ва кучли қўллар унинг билакларидан сиқади. Шу пайт ичкаридан аёл киши «Славушa, ким келибди» деб сўрайди. Хонанинг нариги бурчагида кимдир инграб тўлғанади. Ичкарига кириб олган оператив ходимлар чироқни ёқадилар. Йигирма ёшлардан ошган аёл ўзини кўрпанинг ичига олади. Кроватда сочлари тўзғиб кетган башараси кўринади. У маст қўзларини очиб-юмиб гудранади... Ў Славканинг «чаққон» юигирдакларидан бири эди.

Виктор Куликов подполковник Мансур Ибодовга «қойил қилдимми», дегандек жилмайиб қўяди. У Викторнинг елкасига қоқиб, «раҳмат» дейди.

Мана, Славик Обривков милиция идорасида тергов бермоқда. У ўзини жуда мағрур тутар, папирос чекишни сўраб, стол устидаги қутиға қўл чўзарди.


— Еш экансиз, ҳалол меҳнат қилсангиз бўлмайдими?

—Жонимни қойитиб нима қиламан, бир кеча ухламасам, ўн беш кун ялло қилиб юраман...

Терговда аниқ бўлишича, шайканинг бошлиғи шу Обривков экан. Унинг бу соҳада анча «тажриба» орттирғани маълум бўлди. Славик 1955 йилда ўша вақтда ишлаб турган корхонаси ходимлари билан Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозига пахта тергани чиқади ва дала чекасидаги йўлда турган «Победа» машинасини кўради. Пайт пойлаб машинага ўтиради ва уни олиб қочади. Орадан беш-олти кун ўтгач Жиззахда қўлга тушади, олти йил муддатга ахлоқ тузатиш колоннясига юборилади.

Мана шу ерга келганда Славканинг ота-оналари тўғрисида икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади. Унинг отаси Александр Семёнович Обривков Тошкентдаги 91-мактабда педагог бўлиб ишлайди (бошланғич партия ташкилотининг секретари). Онаси Н. В. Шуршикова Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтида бўлим мудири бўлиб ишлайди, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Обрўли, нуфузли одамлар. Шундай эмасми? Энди шундай оилада туғилиб-ўсган бола машина ўғирлайди, шоферинг оёқ-қўлини боғлаб-пичоқлайди, ўзининг гулдек хотини бўлишига қарамай, бировлар билан юради. Ҳуллас одоб, инсонийлик қонун-қоидаларига сиғмайдиган қилиқлар қилади.



Боши газетамизнинг 1 февраль сонида.

КИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

НАВОИЙ НОМЛИ КОЛХОЗДА

ЧЎЛНИНГ ЖАМОЛИ

Колхоз территорияси асосан паст-текисликдан иборат. Пастликдан ўтгудек бўлсангиз жийда, узум ўсиб ётганини кўрасиз. Тепаликка чиқишингиз билан эса олмазорга дуч келасиз. Колхознинг Бирлик, Охунбобоев номли, «Большевик», «Комсомол» участкасида ҳам мевали дарахтлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам бу ерлар баҳаво. Колхозчилар бир ёқадан бош чиқариб боғ-роғларни кўпайтиришяпти.

Энди навбат қишлоқ қурилишига келди. Планли уйлар қуришга киришилди. Бундан икки йил олдин уч қишлоқда қурилган ҳамма турар-жой ўнтага етмаганди. Ўтган йили-чи? Бу соҳада кескин бурилиш бўлди. 35 та шинамгина турар-жой биноларн қад кўтарди.

Бу йил уй-жой қурувчилар сони янада кўпаяди. Шу кунларда 50 га яқин колхозчи янги турар-жой биноси қуришга таёрланмоқда. Бедапоя ёнида 360 ўринли ўрта мактаб, спорт майдони, меҳмонхона, пенсионерлар учун қизил чойхона ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

ВОДОПРОВОДЛАШ-ТИРИЛМОҚДА

Колхоз марказий кўчалари ва унинг икки томонидаги ҳовлиларга водопровод қувурлари ётқизилиб, кранлар ўрнатилди. Тепаликдаги қишлоққа ҳам сув келди. Колхоз правлениесининг ташаббуси билан уч ерда 160—180 метр чуқурликда ерости қудуқлари қазилди. Ер остидан сув отилиб чиқди. Унинг мазаси жуда яхши. Аҳоли бундан чексиз миннатдор.

ПЕШҚАДАМЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Колхоз бойиб қолди. Пахта тайёрлаш планлари оширнб бажарилган сари хўжаликнинг бўлинмас фондидаги маблағи кўпаймоқда. Ишни дўндириб, ваъдасини бажарганларни рағбатлантириб туриш ҳам йўлга қўйилди. Прицепчи Ўрин Аҳмедов йиғим-теримда яхши ишлади. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, ғайрат қилди. 500 тонна пахтани тайёрлов пунктига ташиб, юксак кўрсаткичларга эришди. Унинг ҳалол меҳнати колхоз маъмурияти томонидан тақдирланди. «Урал» мотоцикли билан мукофотланди.

Хўжаликда бундай меҳнат гвардиячилари кўп. Участка бошлиқларидан Элйигит Дадажонов, Абзал Қурбоналиевлар ана шулар жумласидандир. Уларнинг бирига «Москвич», бирига эса «Победа» машиналари ҳадя этилди.

ҲАШАРНИНГ ФОЙДАСИ

Шу кунларда колхозга борган киши деҳқонларнинг йўл қурилишида фаол қатнашаётганини кўриб беҳад қувонib кетади. Эрканларнинг ҳаммаси Қуркилдариғи қурилишида. Бу ердаги тепалик текисланиб, катта йўл қурилмоқда.

Йўл-кўприк қурилишида 20 минг кубометр тупроқ, 250 кубометр бетон, 500 кубометр ҳажмидаги шағал ётқизиш ишлари амалга оширилди. Қурилишнинг ҳашар усулида олиб борилиши сабабли камида бу ишдан 20 минг сўм иқтисод қилиш кўзда тутилмоқда. Ваҳоланки, ҳашар асосида бу иш ташкил этилмаганда камида 20 минг сўм сарфлашга тўғри келарди.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.
Янгийўл райони.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ТЕЗ КУНДА

Э. Роблес асари:

ЎЛИМДАН КУЧЛИ

3 пардали драма

Т. Хўжаев таржимаси

Саҳнага қўювчи — Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. У. Хўжаев, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — Г. А. Визель, композитор — А. А. Берлин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

қуйидаги ихтисосларга ўргатиш учун ёшларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Радио ва телевизорларни **ремонт қилувчи ва созловчи усталар.** Ўқиш муддати — 1 йил.

Мотоцикл ва автомашиналарни ремонт қилувчи **слесарлар.** Ўқиш муддати — 6 ой.

Тикувчилик ҳунари бўлганларни **эрканларнинг устни кийимларини бичиш** касбига ўргатиш учун.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Хотин-қизларнинг **устни кийимларини тикиш, оёқ кийимлари, мебеллар** тайёрлаш (эркаклар), **сартарошлик.**

Ўқиш муддати — 6 ой.

Тошкент шаҳрида яшовчи 8, 10, 11 синф ҳажмида маълумоти бўлган ёшлар қабул қилинади (16 ёшдан бошлаб).

Машғулотлар 1 мартдан бошланади.

Тошкент шаҳар, 57, Кисловодский кўчаси, 80-уйга мурожаат қилинсин. Телефон 40-08-39, (8, 14, 56-автобуслар, 7-троллейбуснинг «Кисловодская» остановкаси).

СПОРТ ТОШКЕНТЛИК ПОЛВОНЛАР ҒАЛАБАСИ

«Пахтакор» жамиятининг энг кучли полвонлари Бухоро область, Қоракўл районининг маданият уйига тўпландилар. Бу ерда эркин кураш бўйича республика қишлоқ спортчилари ўртасида шахсий команда биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда барча областлар ва Қорақалпоғистон автоном республикасининг 80 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Мусобақага ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрган ва составида Совет Иттифоқи чемпиони, СССР спорт мастери Борис Филатов, республика чемпиони, спорт мастери Петр Хоритоненко ва бошқа кучли полвонлар бўлган Тошкент область командаси ғолиб келди. Бухороликлар эса, фахрли иккинчи ўринга, самарқандликлар учинчи ўринга чиқдилар.

Вазн категорияларида қуйидагилар ғолиб келди ва «Пахтакор» жамиятининг 1967 йилги чемпиони бўлди: К. Каримов (Хоразм области), Р. Султонбеков, Б. Филатов, П. Хоритоненко (ҳаммаси Тошкент областидан), М. Ҳамзаев (Самарқанд области), У. Айтимов (Қорақалпоғистон АССР), Қ. Олимов (Қашқадарё области), С. Ашуров (Бухоро области).

Энг яхши натижа кўрсатган, рақибларини жуда қисқа муддатда енган, техник жиҳатдан уста бўлган полвонлар учун аталган совриннларни бухоролик Р. Бахриев ва тошкентлик Б. Филатовлар олдилар.

Т. МУСТАФОЕВ,
Қоракўл район. «Олға» газетаси ходими, Бухоро области.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ҚУРОЛЛАР ҚУМАКЧИСИ

Кўларнинг сўқир кўзлари келгусида электрон приборлари билан алмаштирилиши мумкин. Мексика олимлари импульсларни бевосита мияга узатувчи прибор конструкциясини ясадилар. Механика университетининг профессори Армандо дель Кампо ҳозирги пайтда прибор синаб кўрилаётгани ва у ҳали анча катта ҳажмда эканлигини айтди. Система фотоэлемент воситасида ишлаб, у нурни қабул қилади ва бош чаноғига улаб қўйилган контактлар пациент миясига импульсларни юборади. Импульслар кўларга нурни қороғиликдан ажрата билиш имконини беради.

ҲИД МУҲОФАЗА ҚИЛАДИ

Англияда ҳидли бир препарат кашф этилди. Кучук, мушук, каламуш ва бошқа жонворлар бу ҳидга чидай олмайди. Ана шу препарат ёрдамида мевали дарахтларни кемирувчилардан муҳофаза қилиш мумкин. Препарат ҳидини сезиш билаиоқ зараркунанда жонивор орқасига қайтади. Одам эса, бу ҳидни сезмайди.

ҚАЙИН МУЪЖИЗАСИ

Қайин коинотда бўлиши мумкин бўлган энг қаттиқ совуққа ҳам чидайди. Қайин шохчалари абсалют нулга баробар, яъни 277 градуслик совуқ жойга қўйиб қўйилган. Орадан муайян вақт ўтгач, қайин совуқдан олинган. Шундан кейин ҳам шохлар, ҳеч нарса бўлмагандек, жонланган ва барг ёзган.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 01556.
ИНДЕКС 64970.
А. — 1793.